Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 237 (7. 326) 1990 йил 15 октябрь, душанба Баҳоси 3 тийин

## ПАХТАМИЗ 4.500.000 ТОННАДАН ОШДИ

*КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1990 йил 9 октябрь қарори*

# МАМЛАКАТДАГИ АҲВОЛ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТКАЗИШ БОРАСИДА КПССнинг ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми мамлакатдаги аҳволни ва иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш борасида партиянинг вазифаларини кўриб чиқиб, мана шу ҳаётий муҳим масала юзасидан ўз фикрларини партия комитетларига, партия ташкилотларига, мамлакатнинг барча коммунистларига маълум қилиш зарур, деб ҳисоблайди.

1. Жамиятда чуқур сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар авж олиб кетди. Кенг демократия жараёни давом этмоқда.

Бироқ янги, илғор усулларни қарор топшириш сиёсий ва иқтисодий инқироз чуқурлашиб бораётган мураккаб шароитда амалга оширилмоқда. Хўжалик алоқалари барбод бўлишининг занжирсимон жараёни давом этмоқда, ишлаб чиқариш, миллий даромад ҳажми камаймоқда. Мамлакатда тақчиллик ҳукм сурмоқда, чайқовчилик кучаймоқда, нарх-наво кўтарилиб бормоқда. Миллатлараро низолар ва можароларнинг ўчоқлари ўчмаяпти, жиноятчилик кўпайди. Ваҳшийлик ҳаракатлари кўпайиб бормоқда, Советларга қарши ва миллатчилик машмашалари тўлқинида Лениннинг ҳайкаллари ағдариб ташланмоқда, совет жангчиларининг қабрлари оёқ ости қилинмоқда. Коммунистларни бадном ва қувғин қилиш кучаймоқда. Пленум бундай хатти-ҳаракатларнинг кескин пайини қирқишни ва давлатнинг тегишли ҳужжатлари қабул қилинишини қаттиқ талаб қилади.

Пленум қатнашчилари коммунизмга қарши, миллатчи, айирмачи кучларнинг КПССни сиёсий турмушдан қисиб чиқариш, уни қонундан ташқари қилиб қўйиш йўлидаги уринишларга қарши норозилик билдирадилар.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, Котибияти, партия комитетлари давлатни ва жамиятни инсонпарварлаштириш ва демократиялаш мақсадларига ёт бўлган бундай кирдикорларга ўз вақтида муносиб баҳо ва зарба беришлари, коммунизмга қарши кайфиятлар билан, ҳаддидан ошган кучларнинг бузғунчилик хатти-ҳаракатлари билан курашни кучайтиришлари лозим.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми сиёсий партиялар ҳақида Литвада қабул этилган Қонунни СССРнинг қонунларига ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларга зид бўлган ғайридемократик қонун деб билади.

2. Сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни нормаллаштириш, КПСС XXVIII съездининг сиёсий йўлини ўтказишда лоқайдликни ва иккиланишларни бартараф этиш — ўтиш даврида партиянинг, ҳар бир бошланғич ташкилотнинг биринчи галдаги вазифасидир.

Ҳар бир коммунист партия ғояларини, Октябрь ғояларини дадил ва принципиал ҳимоя қилиши, социалистик олий мақсадларни, умумбашарий қадриятларни қатъият билан қўриқлаши керак.

Мамлакатнинг барча чинакам демократик кучлари ҳамкорлиги ва ўзаро баҳамжиҳатлиги асосидагина аҳволни яхшилик сари ўзгартириш мумкинлигини Пленум алоҳида таъкидлайди. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми барча ижтимоий ҳаракатларга, Ватанимизнинг ҳозирги куни ва келажагини азиз билувчи барча кишиларга мурожаат этиб, инсоний ва миллий тотувлик йўлида ўз куч-ғайратларини жипслаштиришга чақиради.

3. КПСС Марказий Комитети социалистик йўл доирасида, аввало одамларнинг турмушини яхшилаш, уларнинг ташаббуси ва амалий фаоллигига тўла эрк берилишини таъминлаш, юксак самарали меҳнат қилишга қизиқтирадиган пухта ва равшан омиллар ҳамда далил-исботларни яратиш бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий моҳияти деб билади.

Марказий Комитет Пленуми СССР Олий Кенгашининг мамлакат иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий турмушини барқарорлаштириш тадбирлари, Президентга қўшимча ваколатлар бериш тўғрисидаги қарорларини қўллаб-қувватлайди.

Яқин вақт ичида истеъмол бозоридаги аҳволни ўзгартириш, энг зарур моллар тақчиллигини бартараф қилиш — энг муҳим вазифадир. Халқ депутатлари Советларида, ижроия ҳокимияти идораларида ишлаб турган коммунистлар аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш, етиштирилган ҳосилни тўла-тўкис йиғиштириб олишда амалий ёрдам бериш, транспортда, савдода тартиб ўрнатиш соҳасида зудлик билан чора-тадбирлар кўрилишини жадаллаштиришлари керак. КПСС Марказий Комитети хўжасизлик ва суиистеъмоллар учун барча лавозимдаги раҳбарларга нисбатан талабчанликни кучайтириш тарафдоридир. Пленум депутат коммунистларни халқ депутатлари Советларида КПССнинг сиёсий йўлини фаол ўтказишга, шу мақсадда партиянинг қонун қабул этиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқидан самаралироқ фойдаланишга чақиради.

КПСС Марказий Комитетининг Котибиятига КПСС Марказий Комитетининг доимий комиссиялари билан бирга мамлакатдаги ишларнинг аҳволини тезроқ барқарорлаштириш мақсадида коммунистларнинг, партия ташкилотларининг ташкилотчилик ҳамда тарғиботчилик иши учун тавсиялар ишлаб чиқадиган ишчи гуруҳлар тузиш топширилсин.

КПСС Марказий Комитети хўжалик алоқаларини давом эттириш, шартномавий интизомга риоя этиш, бюджетнинг тақчиллигини бартараф этиш, пул муомаласини мустаҳкамлаш юзасидан ҳукумат идораларининг самарали ишлашларини талаб қилади. 1991 йилги режа ва бюджет энг ўткир иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишга бўйсундирилиши керак.

КПСС Марказий Комитетининг Ижтимоий-иқтисодий сиёсат доимий комиссиясига СССР Олий Кенгашига белгиланган тартибда таклифлар киритиш учун мамлакатнинг 1991 йилги режаси ва бюджети лойиҳаларини ўрганиб чиқиш топширилсин.

КПСС Марказий Комитети ҳукуматни чайқовчиликка, ошиб бораётган жиноятчиликка, ҳаддидан ошганларнинг хатти-ҳаракатларига қарши курашиш юзасидан кескин чоралар кўришга чақиради.

4. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги, кўп укладли иқтисодиёт, бозорга кўмаклашувчи соҳаларни шакллантириш тарафдоридир.

КПСС Марказий Комитети корхоналарни давлат ихтиёридан чиқаришнинг хилма-хил шаклларини қўллаб-қувватлаш билан бирга мулкчиликнинг жамоа шакллари устунлиги тарафдоридир.

Колхозларни, совхозларни, деҳқон ва шахсий хўжаликларни, кооперативлар ва уюшмаларни ривожлантириш учун тенг иқтисодий шароит яратиб қўйилиши лозим. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ерни хусусий мулк қилиб бериш ёки сотиш ғоясини қўллаб-қувватламайди.

5. Бозор муносабатларига ўтишнинг ижтимоий қиммати — принципиал масаладир. Пленум бозорга ўтишнинг барча иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий оқибатларини ҳар томонлама салмоқлаб ва чамалаб кўришни, мана шу бурилиш даври учун муқаррар бўлган қийинчиликларни имкони борича камайтиришни бениҳоя муҳим вазифа деб ҳисоблайди.

КПСС Марказий Комитети халқ депутатлари Советларининг, ҳукумат ва жойлардаги ижрочи ҳокимият идораларининг аҳолини иш билан тўла-тўкис таъминлашга, ишсизликнинг олдини олишнинг, ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва ишга жойлаштиришнинг ягона давлат системасини барпо этишга қаратилган энг зарур чора-тадбирларини кўришларини талаб қилади. Жамият турмушида аёлларнинг аҳамиятини эътиборга олиб, уларни ижтимоий ҳимоялашнинг аниқ ва тушунарли кафолатлари яратиб қўйилиши керак. Аҳолининг кам даромадли табақаларини, айниқса пенсионерлар, ногиронлар, ёшлар, кўп болали оилаларни қўллаб-қувватлаш зарур. Айниқса энг зарур молларнинг нархларини давлат йўли билан тартибга солиш чоралари, пулнинг қадрсизланишидан ҳимоя қиладиган тадбирлар зарур. Бу соҳада партия ташкилотлари ўз куч-ғайратларини касаба уюшмалари билан, бошқа жамоат тузилмалари билан бирлаштиришлари лозим.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг Ижтимоий-иқтисодий сиёсат, Хотин-қизлар ва оила масалалари, Ёшлар сиёсати комиссияларига тегишли қонун чиқариш ташаббуслари хусусидаги таклифларни ишлаб чиқишни топширади.

Партия маданиятнинг, маънавий турмуш бошқа соҳаларининг тижоратлашувига, илм-фан, таълим, маданият учун ажратиладиган маблағларнинг қисқартирилишига қарши чиқади.

6. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми мамлакат халқларининг мустақилликка ва ўз тақдирини ўзи белгилашга бўлган интилишини қўллаб-қувватлаш билан бирга мустақил давлатларнинг ягона иттифоқининг қатъий тарафдоридир, миллий-шовинистик ва айирмачилик ҳаракатларини мутлақо қоралайди, бу ҳаракатлар миллатлараро можароларни кучайтиради ва иқтисодиётдаги оғир аҳволни ёмонлаштиради, давлатимизни барбод қилади.

Мана шундай шароитда янги Иттифоқ шартномаси асосларини ишлаб чиқиш ва уни келишиб олиш ишини пайсалга солиш жуда таҳликали оқибатларга олиб бориши мумкин.

Марказий Комитет Пленуми сифат жиҳатдан янги Иттифоқнинг ҳаётий муҳим негизи сифатида ягона Иттифоқ бозорини шакллантиришга жуда катта аҳамият беради. Мустақил жумҳуриятлар Иттифоқ билан бир қаторда бозор муносабатларини давлат йўли билан тартибга соладиган тенг ҳуқуқий субъектлар бўлишлари керак.

Пленум ягона умумиттифоқ пул, банк ва божхона системаси, келишиб олинган нарх белгилаш ва солиқ сиёсати тарафдоридир. Иттифоқнинг мудофаа қобилиятини, ташқи сиёсатини, давлат хавфсизлигини таъминлаш, энергетика, транспорт, экология муаммоларини комплекс ривожлантириш, илм-фан, таълим ва маданиятни ривожлантиришни мувофиқлаштириб туриш учун Иттифоқ маркази зарурдир.

7. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми партия комитетларини ва коммунистларни бозор муносабатларини амалий равишда ривожлантиришга фаол кўмаклашишга, бозор мамлакат ва жамиятни инқироздан олиб чиқиш йўли, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ошириш, ходимларнинг ишлаб чиқариш воситаларидан сунъий бегоналашувини тугатиш имкони эканини оммага изчиллик билан тушунтириб беришга чақиради.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига, Котибиятига, иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг Марказий Комитетларига, жумҳурият, ўлка ва вилоят партия комитетларига, барча партия ташкилотларига партия ўқув юртларидаги, партия тарғиботи ва ахборот воситаларидаги иқтисодий ўқишни ташкил этишни ва унинг мазмунини қайта қуришни топширади.

Марказий Комитет Пленуми КПСС Марказий Комитетининг Мафкура комиссиясига бозор муносабатлари масалаларига оид партиявий тарғибот ва оммавий-сиёсий ишни ахборот билан таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга оширишни топширади. Бозор иқтисодиётига оид материаллар тайёрланиб, даврий матбуотда эълон қилинсин, оммавий китобхон учун алоҳида рисолалар тарзида чиқарилсин. Жойлардаги тарғиботда ёрдам бериш учун олимлар ва амалиётчи ходимлар орасидан малакали мутахассислар юборилсин.

8. КПСС Марказий Комитетининг бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янгилаш комиссиясига партиялилар оммасининг тўла ҳокимияти энг асосий шарти сифатида бошланғич партия ташкилотларининг ролини ошириш тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш топширилсин. Иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг Марказий Комитетлари, жумҳурият, ўлка, вилоят, округ, шаҳар, район партия комитетлари ўзларининг амалий ишида, янги иқтисодий муносабатларни ва хўжалик юритиш усулларини қарор топтиришда коммунистларнинг амалий ташаббускорлигига таянсинлар, бу ишда олимлар ва мутахассислар билан фаол ҳамкорлик қилсинлар, партиянинг ақлу зиё имкониятларидан тўла-тўкис фойдалансинлар.

Пленум КПССнинг бошланғич ташкилотларига нисбатан ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни, баъзи корхоналарда парткомларнинг фаолияти тақиқлаб қўйилишини қоралайди. КПСС Марказий Комитети совет қонунларининг бутун кучидан фойдаланиб, коммунистларни, партия фаолларини қатъият билан ҳимоя қилади.

9. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми оммавий ахборот воситаларига мурожаат қилиб, КПССнинг бозор иқтисодиётига ўтиш соҳасидаги сиёсатини холисона ва ҳалол ёритишга, жамиятда инсоний ва миллий иноқлик муҳитини, бунёдкорлик меҳнатига камарбасталикни, интизом ва тартибни вужудга келтиришга чақиради. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига, Котибиятига партия матбуотини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш тадбирларини кўриб чиқиш топширилсин.

Пленум ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг мулкка эга бўлиш, молиявий-хўжалик фаолият ҳуқуқини сўзсиз қўллаб-қувватлайди ва КПССнинг мулкига ҳар қандай тажовузларни рад қилади.

* * *

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми мамлакат коммунистларини, барча фуқароларини КПСС XXVIII съезди ишлаб чиққан социалистик йўл, байналмилалчилик, демократия ва инсонпарварлик ғоялари теварагида жипслашишга чақиради.

## ДУНЁДА ЭНГ ОБРЎЛИ

**● ЎЗБЕКИСТОН халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида бир неча кун мобайнида дунёдаги энг обрўли ҳисобланган Японияниңг «Сумитомо» корпорацияси кўргазмасини намойиш этди.** Жаҳоннинг 144 мамлакатида доимий ваколатхонаси бўлган бу корпорациянинг дунёнинг 48 хорижий мамлакатида филиали бор. Бизнинг мамлакатимиз билан олиб бораётган савдо-сотиқ ҳажми бир йилда ўрта ҳисобда 700 миллион долларни ташкил этади.

«Сумитомо» 11 йилдан бери жумҳуриятимиз билан савдо ишларини олиб бормоқда. Ана шу йиллар давомида улар 500 миллион долларга 400 минг тонна пахта толасини сотиб олишди. Жумҳуриятимиз эса японияликлар ёрдамида қишлоқ хўжалиги, турли саноат учун янги техникалар харид қилди.

Кўргазмада «Тоёто» автобусидан тортиб деҳқончилик учун зарур бўлган—экадиган, суғорадиган техникалар, мева ташийдиган машиналар, турли хил кранлар, бульдозер ва митти экскаваторлар ўрин олган. Бундан ташқари телевизор ва видеотехникалар намойиш этилди. Кўргазма ҳамшаҳарларимизда катта таассурот қолдирди.



Таркибий қайта тузилиш шароитларида иқтисодий беллашувнинг самарадорлиги — темирйўлчиларнинг тармоқ илғор тажриба мактабида бўлиб ўтган машғулотларнинг мавзуи ана шундай бўлди. Унда мамлакатимиз кўпгина меҳнат жамоаларининг вакиллари иштирок этишди. Машғулот қатнашчилари амалий беллашувларнинг шакллари, уни ривожантириш йўллари борасидаги ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар, ушбу муаммо Ўрта Осиё темир йўлида қандай ҳал этилаётгани билан танишдилар.

СУРАТДА: машғулот қатнашчилар тармоқ илғор тажриба мактабида Тошкент болалар темир йўли тўгараги қатнашчилари ясаган экспонатлар билан танишишмоқда.

Р. Шамсутдинов (ЎзТАГ) сурати.

## ХОРИЖГА... ИШЛАШ ВА ЎҚИШ УЧУН

**● ИСТЕЪДОДЛИ ёшларни қўлловчи Улуғбек номли жамғарма билан Ўзбекистон ёш олимлари ва мутахассислари уюшмаси хорижий дорилфунунлар ва илмий марказларда ўқиш ва иш ўрганиш учун истеъдодли ёшлар гуруҳларини тузишга киришди.** Жумладан, халқаро ва ўқув алоқалари (Айрекс) шўбаси билан биргаликда шу йилнинг октябрь—ноябрь ойларида туркум лекция-маслаҳатлашувлар ўтказиш тўғрисида битимга эришилди. Бундай маслаҳатлашувлар чоғида АҚШ дорилфунунлари ва илмий марказларида аспирантурага кириш ёки иш ўрганиш учун даъвогарлар аниқланади.

Шундан сўнг номзодлар инглиз тилидан дастлабки имтиҳон топширадилар, махсус система бўйича синовдан ўтадилар. Танлаб олинган ёшларга «Айрекс» ва Улуғбек номли жамғарма моддий ёрдам беради.

Лекциялар ва имтиҳонларда қатнашиш учун 20 октябргача жамғарманинг Тошкент уй-жой ижтимоий банкидаги 004700008-ҳисоб дафтарчасига йигирма беш сўм ўтказиш зарур. Тошкент уй-жой ижтимоий банкининг коди 73427. Бадал ҳақини жўнатган ёшлар таклифномалар ва анкеталар олишади. Саралаб олинган ёшлар 1992 йилдан Америка Қўшма Штатларининг дорилфунунлари ва илмий марказларида тижорат ва менежмент докторларини тайёрлаш дастурига мувофиқ таълим оладилар, шунингдек танланган мутахассислик бўйича иш ўрганадилар.

## БИР ДАҚИҚАДА АНИҚЛАНАДИ

**● ТОШКЕНТ тўқимачилик ва енгил саноат институтида ишлаб чиқилган фотометрик қурилма ёрдамида пахта толасининг сифатини бир дақиқа ичида аниқлаш мумкин.** Илгари завод лабораториясида бу ишни бажариш учун қарийб бир соат кетарди.

Янги қурилма пахта толасидаги барча нуқсонларни тезда топиб, у йигирув ва бошқа қайта ишлаш корхоналарининг талабларига мос келиш ёки келмаслигини аниқлайди. Қурилма ўта сезгирлиги ва жуда аниқ ўлчаши билан ажралиб туради. Янгилик Хўжайли йигирув фабрикасида жорий этилди. Атиги битта шундай қурилмадан фойдаланиш йилига йигирма минг сўмдан кўпроқ пулни тежаш имконини беради.

## ЙЎЛ КЎРСАТКИЧЛАРИ ХАРИТАСИ

**● СЕРҚУЁШ жумҳуриятимизга келиб гўзал диёримизнинг диққатга сазовор жойлари билан қизиқиб танишаётган чет эллик саёҳатчиларга фойдали адабиётлар сифатида туристик кичик жадвал кўринишдаги қатор нашрлар тақдим этилмоқда.** Эндиликда меҳмонлар Ўзбекистонимизнинг қадимий кўҳна шаҳарлари бўйича тузилган жажжи хариталарга ҳам эга бўладилар.

Босма усулида чиқарилаётган бу хил қизиқарли нашрларни Тошкент картография фабрикаси мутахассислари тайёрлашга киришдилар. Бой ахборот маълумотларини берувчи бундай картографик йўл кўрсаткичлар яқин орада кўп нусхада чоп этилади.

Кейинчалик бу хил туристик нашрлар маълум бир туркумни ташкил этади.

Футбол

## МЕЗБОНЛАР ҒАЛАБАСИ

**● КЕЧА биринчи лига командалари навбатдаги тур ўйинларини ўтказишди.** Тошкентнинг «Пахтакор» командаси Ставрополда «Динамо» футболчиларининг меҳмони бўлди. Биринчи бўлимда ҳар иккала команда дарвозани ишғол қилишга қанчалик уринишмасин, ҳисоб очилмади. Майдон эгалари меҳмонларга нисбатан уюшқоқлик билан ўйнаб, Яновский қўриқлаб турган дарвозани фақат иккинчи бўлимда бир маротаба ишғол қилишга муваффақ бўлишди. «Пахтакор»нинг моҳир ҳужумчиси Шквирин бу учрашувда ҳам маҳорат кўрсатиб ўйнаган бўлсада унинг тепган тўпи бир неча бор дарвоза тўсинига тегиб қайтди. Оганесяннинг «Динамо» дарвозасини уч метрдан тўғри нишонга ололмаганлиги футбол мухлисларини ранжитди. Тошкентликлар ҳисобни тенглаштиришга ҳар қанча уринишмасин, барибир бунинг уддасидан чиқиша олмади. «Пахтакор» бу ўйинда ютқазган бўлсада ҳамон пешқадамлар сафида бормоқда.

Тошкент шаҳар Кенгашида

## Жиноятчиликка қарши ҳаммамиз бир тан бўлайлик

ТОШКЕНТ шаҳар партия комитети ва Тошкент шаҳар Кенгашининг ташаббуси билан ўтказилган кенгашда шаҳарда жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси шаҳар партия комитетининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков кенгашни олиб борди. Кенгашда Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов, район Кенгашларининг ва район Кенгашлари ижроия комитетларининг раислари, район партия комитетларининг биринчи котиблари, шаҳар ва районлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг раҳбарлари, турли хизматлар ва ташкилотларнинг, маҳалла комитетлари кенгашларининг вакиллари иштирок этдилар.

Кенгаш қатнашчилари шаҳардаги оператив вазият тўғрисидаги ўз фикрларини билдирдилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жамоатчилик билан ва ўзаро ҳамкорлиги бўш эканлигини, жиноятларнинг олдини олиш, айниқса балоғатга етмаган ёшлар ўртасида жиноятларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик уюшмаларининг фаолиятсизлигини таъкидладилар. Милиция, суд ва прокуратура фаолиятини яхшилаш юзасидан, совет, партия органлари ва жамоатчилик уюшмаларининг Тошкентдаги вазиятни барқарорлаштириш, унда етарли тартиб ўрнатиш борасидаги бир қатор таклифлар айтилди.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазири В. М. Камолов кенгаш қатнашчилари ҳузурида сўзга чиқди.

⊙Кенгаш тўғрисидаги ҳисобот рўзномада ёритилади.



«Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулотларига бўлган талаб йил сайин ошиб бормоқда. Бунинг боиси бор албатта. Чунки корхона жамоаси ишлаб чиқараётган маҳсулотлари сифатига алоҳида эътибор бериб келишади. Диққатингизга ҳавола этилаётган ушбу суратда бирлашма директорининг ўринбосари Мамлакат Муротова (ўртада) бир гуруҳ тикувчилар томонидан тайёрланган маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

Т. Каримов сурати.

